



Дин - насиҳатдир

Тамим Ад-Дорий разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Дин - насиҳатдир», - дедилар. Биз: «Кимга (насиҳат)?» - деб сўрадик. «Аллоҳга, Унинг китобига, пайғамбарига, мусулмонларнинг имом-бошлиқларига ва ҳаммасига (ҳамма мусулмонларга)», - дедилар».

[Саҳиҳ] [Имом Муслим ривояти]

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бу ҳадиси шарифда дин Аллоҳ буюргандай комил, нуқсонсиз бажарилиши учун сидқ ва ихлос устига қурилгани ҳақида хабар бермоқдалар. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга: «Насиҳат ким учун бўлади?»,— дейилди. Биринчи: Аллоҳ таолога насиҳат - Холис Унга ибодат қилиш ва Унга ширк келтирмаслик, У Зотнинг Рабб, Илоҳ эканига ҳамда исм-сифатларига иймон келтириш, У Зотни улуғлаш ва У Зотга иймон келтиришга даъват ила бўлади. Иккинчи: Аллоҳнинг китоби Қуръони Каримга насиҳат: Уни Аллоҳнинг каломи, китобларнинг охиргиси, бундан аввалги барча шариатларнинг ҳукмини насх қилувчи (ўчирувчи) деб эътиқод қилишдир. Уни улуғлаймиз, тиловат қиламиз, ҳукмларига амал қиламиз, муташобихларига таслим бўламиз, уни бузғунчиларнинг бузишидан сақлаймиз, панд-насиҳатидан ибрат оламиз, унга тегишли илмларни тарқатамиз ва унга даъват қиламиз. Учинчи: Аллоҳнинг расули Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламга насиҳат: У кишини пайғамбарларнинг охиргиси деб эътиқод қилиш, олиб келган нарсаларини тасдиқлаш, буйруқларини бажариш, қайтариқларидан тийилиш, Аллоҳга у киши кўрсатиб бергандай ибодат қилиш, у кишини улуғлаш ва ҳурмат қилиш, у кишининг даъватини ва шариатини тарқатиш ва у кишини тухматлардан ҳимоя қилиш билан бўлади. Тўртинчи: Мусулмонларнинг имомларига насиҳат: Ҳақда уларга ёрдам бериш, бирор ишда улар билан тортишмаслик ва Аллоҳга итоат қилишга буюрсалар уларга итоат қилиш. Бешинчи: Мусулмонларга насиҳат - Уларга яхшилик қилиш, даъват қилиш, уларга озор бермаслик, яхшиликни раво кўриш, яхшилик ва тақво устида ёрдамлашиш билан бўлади.

النجاة الخيرية
ALNAJAT CHARITY

